



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 28 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 184 (13.781)

Баҳоси эркин нарҳда

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Душанбе, 27 сентябрь.

ЎЗА махсус муҳбири Алоуддин ҒАҒҒОРОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 27 сентябрь куни ушбу мамлакатга ташриф буюрди.

Душанбе халқаро аэропортида Президентимиз Тожикистон Республикаси Президенти кутиб олди.

Президентлар Душанбе шаҳрида икки томонлама учрашув ўтказди. Эмомали Раҳмон Шавкат Мирзиёевни ташриф билан самимий қутлаб, ушбу учрашув олий даражадаги доимий мулоқотларнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг сиёсий иродаси тўғрисида кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги мустаҳкамланди.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил март ойда Тожикистонга, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг август ойда Ўзбекистонга давлат ташрифлари тарихий воқеа бўлди.

Давлат раҳбарларининг очик, ўзаро ишонч ва дўстона муносабатлари нафақат Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, балки бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларда томонларнинг қарашлари ўхшашдир. Турли даражадаги делегациялар алмасувлари, ҳудудлар ўртасидаги алоқалар фаоллашди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил 7 март куни Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида Ўзбек ва тожик халқларининг буюк мутафаккирлари – Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийга ҳайкал ўрнатилган эди.

Ана шу эзгу ташаббусга жавобан Душанбе шаҳрида Алишер Навоий номидаги маданий ва истироҳат боғи барпо этилиб, унда икки буюк сиймонинг ҳайкали қад ростлагани халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир ифодаси бўлди.

Президентимизнинг ташрифи доирасида мазкур янги боғ ҳамда Абдураҳмон Жомий ва Алишер На-

воийга ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон ушбу икки буюк мутафаккир ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғининг умумий майдони 2 гектардан зиёд. Боғда ташриф буюрувчилар учун барча шароит ва қулайлик яратилган. Ўриндиқлар ёнида китобхоналикни тарғиб этувчи ҳайкалчалар ўрнатилган. Ота ва ўғил, Она ва киз, Бобо ва набера сиймолари акс этган ушбу санъат асарлари ҳар қандай инсонни китобга ошно бўлишга ундайди.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида Турсунзода шаҳрига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон шарафига йўл бўйлаб кўчалар байрамона безатилган, Ўзбекистон ва Тожикистон байроқлари, паннолар ўрнатилган.

Шаҳарга кираверишда минглаб одамлар давлатимиз раҳбарини катта хурсандчилик, тантана билан кутиб олди. Миллий куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди.

Ўзбекистон Президентининг қўшни давлатлар билан очиклик, ҳамкорлик ва бағрикенглик сиёсати барча тожикистонликлар қатори Турсунзода аҳолисига ҳам катта қувонч бағишлаган. Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил март ойда Тожикистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган Давлат чегараси бўйича шартнома ҳамда Фуқароларнинг ўзаро қатновий тўғрисида битим ҳақларимиз ҳаётида улкан аҳамиятга эга бўлди. Чегарадан ўтказиш пунктлари фаолияти қайта тиклангани, борди-келди учун 30 кунгача визасиз тартиб жорий этилгани, автобус ва самолёт қатнови йўлга қўйилгани одамларга кенг қулайликлар яратмоқда.

Президентлар Турсунзода шаҳридаги "Талко" давлат унитар корхонасига ташриф буюрди.

Ушбу завод дунёдаги энг йирик алюминий ишлаб чиқарувчи корхоналардан биридир. 2007 йили завод "Тожикистон алюминий компанияси" (Талко) давлат унитар корхонасига айлантилган. Бу ерда йилга 105 минг тонна бирламчи алюминий ишлаб чиқарилади ва асосан экспортга йўналтирилади. Бундан ташқари, 70 дан ортқ турдаги истеъмол товарлари тайёрланади. Айни пайтда заводда 8 мингга яқин киши меҳнат қилади.

Давлатимиз раҳбари алюминий хомашёсини қўйиш жараёни ва тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди.

Ўзбекистоннинг "Крантас групп" масъулияти чекланган жамияти билан Тожикистон алюминий компанияси ҳамкорлигида жорий йил июль ойида ташкил этилган "Талко-Крантас махсус техникалар заводи" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон – Тожикистон қўшма корхонаси тақдироти бўлиб ўтди.

Мазкур корхонада автокранлар, трактор прицеплари, яримтракамалар ва бошқа махсус техника воситалари ишлаб чиқарилади. Бутловчи қисмлар Ўзбекистондан келтирилиб, Тожикистонда йиғилади.

300 мингкишилиқ Турсунзода шаҳри аҳолисининг қарийб ярми ўзбеклардир. Шаҳар атрофидаги деҳқон ҳўжаликлари асосан ўзумчилик билан шуғулланади. Ўзумзорлар Фарғонанинг Бешарик ёки Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги тоқзорларни эслатади.

Турсунзода туманидаги "Боғи сомон" деҳқон ҳўжалиги раҳбари Камол хожи Мадумаров асли олтиариқлик уста деҳқон фарзанди. У ота касбини давом эттириб, элда обрў топган. Ҳўжалик ўзумзори 500 гектар. 1 минг 100 ишчи меҳнат қилаётган ҳўжаликда ўзумнинг "Ҳусайни", "Ризамат", "Каттақўрғон", "Келин бармок" каби 7 хил нави етиштирилади. Махсулотнинг 70-80 фоизи экспорт қилинади. Ҳўжаликнинг 1 минг 200 тонналик совуткичи омборхонасида айни пайтда ҳосилни жамлаш ишлари авжида.

Президентлар мазкур совуткичи омборхона билан танишиб, ҳўжалик ўзумзорларида бўлди. Шавкат Мирзиёев Камол ота Мадумаровга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Captiva" автомашинасини совға қилди. Давлатимиз раҳбари шу тўғрисида "Ватан" деҳқон ҳўжалигида бўлиб, унинг раҳбари Неймат хожи Усмоновга ҳам "Captiva" машинасини тўғра этди.

Ўзбекистон Президентининг Тожикистон Республикасига ташрифи давом этмоқда.

Шавкат Мирзиёев 28 сентябрь куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING "ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунининг самарали ижросини, давлат буюртмачилари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, давлат харидларининг амалга оширилишини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунининг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ давлат харидлари стратегик субъектлари амалга оширадиган давлат харидларига, ривожлантириш давлат дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни рўйбга чиқаришда амалга ошириладиган давлат харидлари бундан мустасно;

давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинишини, хавфсизлигини таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга ошириладиган давлат харидларига, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидларига;

фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларига;

агар донор мамлакатларнинг, тегшли халқаро, ҳукуматга қарашли бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган чет эл ташкилотларининг тартиб-таомилларида ёки Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида чет эл кредитларини ва чет эл грантларини тақдим этиш шартларида товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси
Президенти Рам Натх Ковинднинг таклифига
биноан 2018 йил 30 сентябрь – 1 октябрь
кунлари давлат ташрифи билан ушбу
мамлакатда бўлади.

Президент Рам Натх Ковинд, Бош вазир Нарендра Моди ва Ҳиндистоннинг бошқа раҳбарлари билан учрашув ва музокараларда давлатлараро ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг аниқ йўлларини кўриб чиқиш, минтақавий ва халқаро сиёсатининг муҳим масалалари юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Президентимиз Нью-Дели шаҳрида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантиришнинг амалий жиҳатларини, жумладан, Ўзбекистон – Ҳиндистон ишбилармонлар кенгашини таъсис этиш таклифини муҳокама қилиш учун Ҳиндистоннинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ ЯНГИ ҒОЯЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Франциянинг нуфузли таҳлилий
нашри – "Politique internationale"
("Халқаро сиёсат") журналнинг
160-сонига таниқли сиёсатшунос ва
журналист Режи Жантинг мақоласи
чоप этилди. Р.Жант шу йил баҳорда
Ўзбекистонга келиб, Тошкент шаҳрида
Афғонистон бўйича ўтказилган халқаро
конференцияда иштирок этган эди.
Қуйида ушбу мақоланинг баёни
этиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги аҳоли энг зич яшайдиган мамлакат – 2016 йил декабрь ойда Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланганидан сўнг юқори ривожланиш суръатларини намойиш этмоқда, деб ёзади муаллиф.

Шавкат Мирзиёев ҳаётнинг барча жабҳалари – иқтисодиёт, ижтимоий тармоқлар ва ҳатто дин соҳасини ҳам ислох қилишни бошлади. Ана шу мислсиз ислохотларнинг маъно-мазмунини ва мақсадларини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топди. Ушбу ҳужжатда қуйидаги бешта устувор йўналиш бўйича вазифалар белгилаб берилган:

- давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш;
- иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш;
- ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Бир сўз билан айтганда, янги Президент Ўзбекистон жамияти ҳаётига "тоза ҳаво" олиб кирди. Шавкат Мирзиёев бошлаган ислохотларнинг бош ғояси иқтисодий ўзгаришлардир, деб ҳисоблайди Р.Жант. Давлат раҳбарининг энг муҳим қарори – бу миллий валюта конвертацияси, маҳаллий корхоналарга импорт қилинадиган маҳсулотлар бўйича тўлов учун хорижий валютани сотиб олишга руҳсат берилгани бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2018 йил 27 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, мамлакатимиз ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан кейин сенаторлар кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишга киришди.

Парламент аъзолари ишни янги тахрирдаги "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокамасидан бошлади.

Ушбу қонун божхона тармоқлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, фуқаролар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли

ҳимоя қилишнинг қўшимча ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилгани таъкидланди.

Қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоялаш, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, қонун ҳужжатлари бузилишларининг, шу жумладан, контрабанданинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бунга чек қўйиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизматининг асосий вазифалари этиб белгиланмоқда.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

- Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан солиқ соҳасидаги янгиликлар, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солигини ҳисоблаш, ундириш ва ушбу солиқ турлари бўйича бериладиган имтиёзлар мазмун-моҳиятига бағишланган "Солиқларни ўз вақтида тўлаш бурчимиз" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.
- Фарғона вилояти Риштон туманида "Rus ozbek teks" масъулияти чекланган жамияти то-

монидан 6 минг 245 гектар майдонда кластер усулида пахта етиштирилиб, айни кунларда йиғим-терим ишлари бошлаб юборилди. Жамият ва пахтачиликка ихтисослашган 332 фермер ҳўжалиги ўртасида тегшли тартибда шартномалар тузилди. Илк бор жорий этилаётган ушбу янги усул қишлоқ мулкдорларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

- Сайидо Насафий номидаги Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона марказида "Болалар китоби" республика фестивали доирасида китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма доирасида Қарши шаҳридаги болалар ва ўсмирлар мусика мактаблари тарбияланувчилари иштирокида бадий қишлоқлар намойиш этилди.

- Урганчда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида "Худудий босма нашрларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.



- Япониялик 108 ёшли Масао ва унинг турмуш ўртоғи юз ёшли Мияконинг турмуш қурганликларига 81 йил тўлиши муносабати билан улар қурраи заминдаги энг кекса оила сифатида Гиннесснинг Рекордлар китобидан ўрин олишди. Ушбу оила аъзолари 60 кишидан иборат бўлиб, яқинда йигирма бешинчи эваранинг дунёга келганлигини нишонлашди.
- Мисрдаги қўллаб қадимий тарихий ёдгорликлар, жумладан, 4300 йиллик тарихга эга Меху мақбараси сайёҳларнинг келиб танишишлари учун очик деб эълон қилинди.

- Хакерлар Windows операцион тизимида бўлган ва бартараф этилмаган заифликдан унумли фойдаланди. Бунинг оқибатида Россия, Украина, Польша, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Ҳиндистон, Чили ва Филиппиндаги фойдаланувчилар зарар кўради. Бу ҳақда ESET компанияси маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING "ДАВЛАТ
ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА
ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг референдумларида тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун амалга оширилаётган давлат харидларига;

суд муҳокамаларида иштирок этиш учун адвокат (вакил) тайинланиши билан боғлиқ давлат харидларига;

нахрлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларига нисбатан татбиқ этилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди:

а) харид комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни саралаб олиш йўли билан;

давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган ҳолларда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдумларида тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун;

б) тўғридан-тўғри шартномалар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун;

суд муҳокамаларида иштирок этиш учун адвокат (вакил) тайинланиши билан боғлиқ;

нахрлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) давлат ха-

ридларига нисбатан амалга оширилиши белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат буюртмачилари томонидан иловадаги рўйхатга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни кейинчалик улар тўғрисидаги маълумотларни шартнома тузилган санадан бошлаб 3 кундан кечиктирмасдан давлат харидларининг махсус ахборот порталига жойлаштирилган ҳолда тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилиш тартибини белгилаш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

4. Белгилансинки, давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларининг махсус ахборот порталига:

бошланғич нархни тушириш бўйича аукцион ўтказиш тўғрисида эълон – уни ўтказишдан камидан беш кун олдин;

танлов ўтказиш тўғрисида эълон – танлов иштирокчиларидан таклифларни қабул қилиш муддатининг туғишдан камидан ўн кун олдин жойлаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат харидларини сифатли ва узлуksиз ўтказишга тўққонлик қиладиган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни кўриш билан боғлиқ давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилни доимий равишда ўтказиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда давлат харидларининг сифатли ва узлуksиз амалга оширилишини таъминлаш, давлат буюртмачилари учун қулайликлар яратиш мақсадида, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги, шу жумладан, жойлардаги камчиликларни бартараф этган ҳолда давлат харидларининг махсус ахборот порталнинг функционалини такомиллаштириш чораларини кўрсин;

давлат буюртмачилари ходимлари иштирокида давлат харидлари соҳасида семинар-тренинглар,

мастер-класслар ва бошқа ўқув машғулотларини ўтказиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати, Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун зарур бўлган, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг киритилишини таъминласин;

мазкур қарор талабларини, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда киритсин;

бир ой муддатда харид комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш ва энг яхши таклифларни танлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 2 ва 3-бандларига мувофиқ харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархлари шаклланиши устидан назоратни таъминласин.

8. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М.Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2018 йил 27 сентябрьСАЙЛОВ КОДЕКСИ
ЛОЙИҲАСИ
ЖАМОАТЧИЛИК
МУҲОКАМАСИДА

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 110-мактабда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Давлат раҳбарининг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича устувор вазифалар белгиланган берилган эди.

Шунга мувофиқ, депутатлар, сенаторлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, экспертлар ва олимлар иштирокида Сайлов кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Кодекс лойиҳасини тайёрлаш жараёнида сайлов қонунчилиги инвентаризация қилиниб, 20 га яқин хорижий давлатнинг сайлов қонунчилиги тажрибаси ўрганилди. Таклиф этилаётган лойиҳа 2 қисм, 18 боб, 100 моддадан иборат бўлиб, унда сайловчининг овоз беришини назорат қилишга йўл қўймаслик, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш сайлов комиссиялари томонидан очик ва ошқора амалга оширилишига алоҳида эътибор қaratилган.

– Сайлов кодексини яратишдан асосий мақсад фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча амалий механизми ва сайлов қонунчилигини тизимлаштириш, унификациялаш, сайлов ҳуқуқ нормаларини таъминлаш ва очиклигини қафолатларини қучайтиришдан иборат, – деди халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши депутати, 110-мактаб директори Умида Рашидова. – Сайловларни давлат томонидан молиялаштириш муҳим халқаро стандартлар талабларидан бири саналади. Шу боис лойиҳанинг 17-боби сайловларни молиялаштиришга бағишланган бўлиб, унда сайловларни давлат томонидан молиялаштириш, сайлов комиссиялари ва сиёсий партияларни молиялаштириш масалалари тартибга солинган. Лойиҳада кўзда тутилган меъёрларга асосан номзодлар ва сиёсий партияларнинг чет давлатлар, чет эл жисмоний ва юридик шахслари, халқаро ташкилотлар томонидан моддий қўллаб-қувватлаш тақиқланади. Ҳомийлик қилмоқчи бўлган сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, корхона, ташкилот, муассаса ва фуқаролар ўз маблағларини Марказий сайлов комиссиясига ихтиёрий равишда ўтказиши мумкинлиги ва бу маблағлар сайлов жараёнида барча сиёсий партия ва номзодлар ўртасида тенг тақсимланиши инобатга олинган.

Йиғилишда Сайлов кодекси лойиҳаси мазмун-моҳиятини жамоатчилик ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қaratилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ ЯНГИ ҒОЯЛАР
АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Натияжалар кўзга яққол ташланмоқда – Ўзбекистон кунги кеча Канаданинг "SkyPower" компанияси билан 1,3 миллиард АҚШ долларига тенг инвестиция шартномасини имзолади. Франциянинг "Peugeot Citroën Automotive" компанияси Ўзбекистонда энгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонга олиб қилинадиган товарлар учун божхона солиқларини сезиларли равишда пасайтиргани мамлакат тадбиркорлари томонидан чинакам инқилоб сифатида қабул қилинди, деб қайд этади журналист. Бу ишлар бутун иқтисодиётни қамраб олган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, иқтисодий ўсишга ҳамда халқаро молия ташкилотлари тавсиялари асосида бозор иқтисодиёти йўлидан боришга ургув берган ҳолда, макроиқтисодий барқарорликни қучайтириш, солиқ ставкаларини пасайтириш ва соддалаштириш, қишлоқ ҳўжалигида, биринчи навбатда, пахтачи мамлакатнинг ўзида қайта ишлашни кўзда тутидиган диверсификация жараёнларини амалга ошириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартириш билан биргаликда олиб борилмоқда. Бундай ўзгаришларнинг барчаси халқаро экспертлари жалб этган ҳолда амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев меҳнат миграцияси билан боғлиқ вазиятни тубдан ўзгартирди. У мигрантлар чет элда қонуний асосда ишлаб, ўз мамлакатининг ҳуқуқий ёрдамидан фойдаланиши имкониятига эга бўлиши учун Россияда Ўзбекистоннинг тўққизта ваколатхонасини очмоқда.

Президент ўрта ва кичик корхоналарга катта ишонч билан қарамолда. Унинг фикрига кўра, ҳусусий сектор – иқтисодий ўсишнинг асосий йўналишидир.

Ўзбекистон етакчиси "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" деган тамойилни илгари сурди, деб ўз фикрини давом эттиради мақола муаллифи. Президент ушбу тамойилни ҳаётга қатъий жорий этишига одам-

лар тўлиқ ишонмоқда. Мамлакатдаги вазият тубдан ўзгарди. Одамлар эркинлик муҳитини тобора кўпроқ ҳис этмоқда.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаоллашмоқда. Журналистлар мамлакатдаги ҳақиқий аҳолини ёрита бошлади. Бугунги кунда улар ҳатто замон билан ҳамқадам бўлиб, давлат раҳбарининг ислохотлар соҳасидаги барча амалий ҳаракатларини ёритиб боришга улгурмасдан қолмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев халқни ўз муаммолари ҳақида очик гапиришга чақирмоқда. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилди, унга аҳоли давлат аппарати ишидаги камчиликлар бўйича ўз шикоятлари билан мурожаат қилиши мумкин. Ушбу мурожаатларга давлат органлари тўрт кун ичида тўлиқ жавоб бериши шарт.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг дин соҳасидаги сиёсати янада кўпроқ эътиборга сазовордир. Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Давлат мўътадил, бағрикенг ва маърифий ислом тарафдорли бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистон етакчиси ташқи сиёсат соҳасида минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик алоқаларини тиклашни устувор йўналиш, деб эълон қилди. Масалан, унинг Қирғизистонга амалга оширган расмий ташрифи тарихий воқеа сифатида тан олинди. Икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар қутилганидан ҳам зиёда бўлди. Шавкат Мирзиёев Қирғизистонда йирик гидроэлектр станциялар қуриш бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш ҳақидаги таклифлари билан ҳаммани ҳайратда қолдирди.

Айни шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон Президентининг шу йил март ойида Тожикистонга амалга оширган ташрифи янада кўпроқ тарихий аҳамиятга эга бўлди. Томонлар икки давлат чегараларида янги ўтказиш пунктларини очиб қўладан келишиб олишди ва иқтисодиёт соҳасида

бир қатор битимларга имзо чекишти.

Шунингдек, Қозоғистон ва Туркменистонга амалга оширилган ташрифлар ҳам очик мулоқот ва икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга тўққонлик қилаётган муаммоларни ҳал этишга интилиш руҳида ўтди.

Ўзбекистон Президенти минтақавий даражада ҳам ташаббусни ўз қўлига олмақда. Унинг янгича сиёсатидаги ёрқин воқеалардан бири 2018 йил 27 мартда Тошкент шаҳрида юқори даражадаги 27 та хорижий давлат делегациялари, жумладан, Афғонистон Президенти Ашраф Ғани, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, Россия, Покистон, Туркия ва бошқа давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари иштирок этган Афғонистон бўйича халқаро конференциянинг ўтказилгани бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилда давлат раҳбарлигига келган кундан эътиборан бошлаган ислохотларнинг қўламини микёсидан факат ҳайратлангани мумкин, деб ёзади Р.Жант. Атиги 2 йил аввал иқтисодий протекционизмга барҳам берилади ва миллий валюта конвертацияси тикланади, деб ким ўйлаганди? Маҳаллий журналистларнинг бунчалик фаол бўлишини ким тасаввур қила оларди? Давлатнинг дин соҳасидаги сиёсати эътиқод эркинлигини мустаҳкамлашга қўмаклашади, деб ким ҳаёлга келтирган эди? Тожикистон ва Қирғизистон билан муносабатлар шўнчалик қисқа фурсатда яхшиланди, деб ким ўйлаши мумкин эди?

Президент Шавкат Мирзиёев олдинга қараб бормоқда. У "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади", деган ғояси тўғри эканига қатъий ишонади.

Ўзбекистон бўйлаб янги ғоялар амалга оширилмоқда. Бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги ва тараққиёти ҳамда Россия, АҚШ ёки Хитой каби йирик давлатлар жалб этилган манфаатлар курашининг натижаси Шавкат Мирзиёев ислохотларининг муваффақияти билан боғлиқ, деб ҳулоса қилади Режи Жант.

ЎЗБЕКИСТОН
ТАЖРИБАСИГА ҲАВАС
ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Оила – жамият таянчи. Унинг мустаҳкамлигини таъминлаш, энг аввало, маҳалла-қўй, кенг жамоатчиликнинг долзарб вазифаси саналади. Тошкентда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан ташкил этилган "Оилани мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли" мавзусида бўлиб ўтадиган халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари бу борадаги масалаларни атрофлича муҳокама қилди.

Халқаро анжуман қатнашчилари тадбирнинг илк куниди Тошкент шаҳридаги маҳаллалар, мактаблар, диққатга сазовор масканлар фаолияти билан атрофлича танишди.

Оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, болаларни соғлом муҳитда воғна етиши учун шароит яратиш дунё ҳам-жамияти, жумладан, МДҲ мамлакатларининг доимий эътиборидаги масалалар. 2017 йилда Сочи шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида Кенгаш томонидан Оила институти ва аъёнаний оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги баёнот қабул қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур мажлисдаги чиқишида Ўзбекистонда 2018 йилда "Оилани мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли" мавзусида халқаро конференция ўтказиш таклифини илгари сурди.

Маълумки, маҳалла қадимдан Ўзбекистонда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизимининг ўзига хос институти, аҳолига энг яқин тузилма саналади. Мамлакатдаги мавжуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ўртасидаги алоқаларни ўрнатишда, оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашда ҳамда ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз томонидан яратилган шароитлар маҳалла фуқаролар йиғинлари, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа масъул органлар ҳамда муассасаларга ҳамкорликда аҳоли, хотин-қизлар, ёшларнинг муаммоларини амалда ҳал этиш ва оилаларни мустаҳкамлаш имконини бераётган.

Халқаро конференция иштирокчилари жойларда бўлиб ўтган учрашувлар, мулоқотлар жараёнида бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилди.

– Мен анжуманда иштирок этаётганимдан гоёта мамнунман, – дейди Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси Фредерик Пенсонби. – Мазкур конференция доирасидаги тадбирлар давомиди мусика ва спорт мактаблари, маҳаллаларда бўлди. Оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда маҳаллалар ноёб тизим экани диққатга сазовор.

– Оила чин маънода муқаддас маскан эканини Ўзбекистонга келиб яна бир қарра ҳис этдик, – дейди Испан-рус ассоциацияси президенти Фернандо Моралес (Испания). – Одамларга, оилаларга амалий кўмак кўрсатишда, уларнинг жамиятга интеграциялашувида, миллий аъёнанийларни сақлаб қоллишда ўзбек маҳаллалари устувор ўрин эгаллар экан.

– Маҳалла чиндан ҳам ноёб тизимлигига ғувоҳ бўлдик, – дейди Осиё тадқиқотлари бўйича Европа институти эксперти Фредерик Герман Карлие (Бельгия). – Фикримча, маҳалла тизимини бошқа давлатларга ҳам тавсия этишга арзийди. Негаки, одамларга яқиндан қўмаклашишда, улар ҳолидан ҳабар олишда маҳалла муҳим ўрин эгаллайди. Маҳаллада ташкил этилган кутубхона эътиборимни тортиди. Кутубхона бор жойда маънавий ҳам, одоб-ахлоқ, тарбия ҳам муҳкам бўлади.

Маърифий лойиҳанинг илк куниди хорижий меҳмонлар пойтахтимиздаги маҳаллалар, мактаблар, спорт-соғломлаштириш масканлари фаолияти билан атрофлича танишди. Оилаларни мустаҳкамлашда маҳаллалар фаол ва муносиб ҳисса қўшаётгани хорижий меҳмонларда катта таассурот уйғотди.

Н.УСМОНОВА

ЕХҲТ ПАРЛАМЕНТ
АССАМБЛЕЯСИНING
ДАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ
УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида 27 сентябрь кунини Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси Дания делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида делегация аъзоларига мамлакатимизда амалга оширилётган кенг қўламли ислохотлар, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ташқи сиёсати амалга оширишдаги тамойил ва ёндашувлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси вакиллари Ўзбекистонда самарали бошқарув тизимини жорий қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилётганини, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш бўйича ижобий натижаларга эришилганини қайд этди. Жамиятда таъжовубкор экстремизм ва радикализмнинг барча қўрилишларига қарши курашининг умумэътироф этилган тамойиллари жорий қилингангани юқори баҳоланди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатида прагматик ва конструктив сиёсатнинг олиб борилаётгани мамлакат имижини мустаҳкамлаш имконини беради.

Тадбирда Ўзбекистон – ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Петер Юэль Йенсен бошчилигидаги ЕХҲТ Парламент Ассамблеясининг Дания делегацияси аъзолари "Тараққиёт стратегияси" марказида ҳам музокаралар ўтказди.

Учрашувда марказ фаолияти, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши ҳақида сўз юритилди.

Меҳмонларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга ошириш жараёни ҳақида маълумот берилди.

Марказнинг фаолият йўналишлари, амалга оширилётган қўшма лойиҳалар, Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар бажарилиши бўйича жамоатчилик фикрининг ўрналиши меҳмонларда қизиқиш уйғотди.

Давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги очик мулоқотни таъминлаш мамлакатимизда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг тўб моҳиятини ташкил қилади.

Мулоқотда мамлакатимизда давлат идораларининг очиклигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик алоқалари изчил ривожлантирилган таъкидланди. Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларни жамиятда кечётган ўзгариш ва янги-ланлишларнинг тўлақонли иштирокчисига айлантириш каби йўналишлардаги ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Меҳмонлар пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойларда бўлиб, истиқлолнинг тарихи, бой маданий меросни асраб-авайлаш йўлидаги эзгу ишлар билан танишди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, қонунда божхона органларининг ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш, хавфни бошқариш тизими қўлланилиши самарадорлигининг мунтазам мониторингини амалга ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва назоратнинг техник воситаларини қўллаш, божхона ишини ривожлантириш ва тақомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, ташқи савдо операцияларининг мониторингини амалга ошириш, экспорт-импорт шартномаларининг ижросини таҳлил қилиш, шунингдек, ташқи савдо операцияларининг божхона органларига тааллуқли қисмини ўтказишда валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, товарларнинг ташқи савдосига доир божхона статистикасини ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасини юритиш каби янги вазифалари белгилаб берилмоқда.

Божхона органлари фаолиятининг қонунийлик, ягоналик, очиқлик ва шаффофлик, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишдан иборат асосий принциплари қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Таъкидланганидек, ушбу қонунда ҳодимларнинг қўшимча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари назарда тутилмоқда ҳамда хизматни ўташнинг қуйидаги батафсил тартиби ва шартлари белгилаб берилмоқда: хизматга қабул қилиш, махсус унвонлар бериш, бу унвонларни пасайтириш ва улардан маҳрум қилиш, ҳодимларни тайинлаш ва озод этиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ҳодимларни сафарга юбориш, аттестациядан ўтказиш, уларга таътиллار бериш, хизмат муддатини узайтириш, хизматдан бўшатиш ва хизматга тиклаш, хизматни ўташ режимини таъминлаш. Шунингдек, божхона хизмати органлари ҳодимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларига аниқлик киритилмоқда.

Сўзга чиққандар қайд этганидек, қонун божхона органлари ҳодимлари мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлар қафолатларини мустаҳкамлашга, уларни моддий ва ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Хусусий бандлик агентликларини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Таъкидланганидек, қонунда Ўзбекистон фуқароларини ҳам мамлакатимиз қорхоналарида, ҳам хорижда ишга жойлаштириш имкониятларини ошириш ва кенгайтириш, давлат хизматлари ва хусусий бандлик сектори ҳамкорлиги механизмларини аниқ тартибга солиш, ишга жойлаштириш хизматларини кўрсатиш тартиби ва шартларини, шу жумладан, хусусий бандлик агентликларининг, қорхоналарининг ва иш қилдираётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш назарда тутилмоқда.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг хусусий бандлик агентликларини фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари мустаҳкамланмоқда. Қонун нормаларига мувофиқ давлат органлари ва бошқа ташкилотлар аҳоли бандлигини таъминлашга, шу жумладан, хорижда фуқароларни иш билан таъминлашга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга хусусий бандлик агентликларини жалб қилиш, фуқароларни ишга жойлаштириш соҳасидаги давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш, фуқароларни ишга жойлаштириш масалалари бўйича ахборот кампаниялари, конференциялар, симпозиумлар, семинарлар тайёрлаш ва ўтказишга қўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жараёнининг очиқ-ошкоралиги принципига риоя этишга, фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг давлат органларидан мустақиллигини таъминлашга, фуқаролар йиғинларининг кадрлар салоҳиятини ва маҳалла институтини фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколат муддати икки йилдан уч йилгача узайтирилмоқда.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида фуқароларнинг кенгрок иштирокини таъминлаш мақсадида қонунда мамлакатнинг ҳар бир ҳудуди аҳолиси сони ҳисобга олинган ҳолда ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг энг кам вакиллик нормаси белгиланмоқда. Дифференциялашган квотани таъминлаш мақсадида энг кам вакиллик нормасини фоизларда белгиллашни назарда тутувчи қоида мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бунга қўра, фуқароларнинг энг кам вакиллик нормаси сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 12 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Қонунда фуқаролар вакилларига талаблар белгиланмоқда. Одатда, бу ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга шахслардир.

Қонунга мувофиқ сайловни республика даражасида ташкил этиш ва ўтказиш билан Сенат Кенгаши томонидан ташкил этиладиган Фуқаролар йиғинларини раислари (оқсоқолари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи республика комиссияси шўғулланади. Унинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

Фуқаролар хоҳиш-истагини бирор-бир тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида яширин овоз беришни ўтказиш белгиланмоқда.

Қонун нормаларига мувофиқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, сайлов ўтказиладиган сана, вақт ва жой, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар, овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ахборотни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг расмий веб-сайтларига сайлов ўтказилишидан камидан беш кун олдин жойлаштириш лозим. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Қонун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этишга доир фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратишга, сайлов жараёнининг очиқли-

ги ва ошкоралигини таъминлашга, фуқаролар йиғини раисига (оқсоқолига) ўз билим ва бошқарув маҳоратларини намоён этишлари учун кўпроқ имкониятлар яратишга қаратилган.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунидан "ва уларнинг маслаҳатчилари" деган сўзлар чиқариб ташланмоқда. Конституциядан фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатлари муддати ҳам чиқарилмоқда, бу "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунидан ўз аксини толган.

Сўзга чиққандар таъкидлаганидек, қонун қабул қилиниши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жараёни очиқлигини, фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг давлат органларидан мустақиллигини таъминлайди, фуқаролар йиғинларининг кадрлар салоҳиятини ва маҳалла институтини фаолияти самарадорлигини оширади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Рес-



публикаси Давлат хавфсизлик хизмати қунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди. Қонунда 5 апрелни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қуни этиб белгилаш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар қайд этганидек, қонуннинг қабул қилиниши ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий-ватанпарварлик, ахлоқий-маънавий ишларни қучайтиришга, хизмат бурчига садоқат руҳини шакллантиришга, ҳарбий хизматчилар ва ҳодимларда танлаган касбига нисбатан гуруҳ ҳиссини шакллантиришга, шахсий таркибнинг жипслигини, хизмат фаолиятининг самарадорлигини оширишга, фуқаролар, шу жумладан, ёшларнинг қол ҳаётини позициясини шакллантиришга ҳамда ҳарбий хизматнинг ўзига жалб этувчанлигини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари "Иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорлиқни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам кўриб чиқдилар.

Сенаторлар таъкидлаганидек, қонуннинг мақсади иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорлиқни ривожлантириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ киритилаётган ўзгаришларда айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун бериладиган лицензиянинг амал қилиш муддати чекланишини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари бўйича давлат фаолиятининг қуйидаги тўртта тури чиқариб ташланмоқда: аэропортларда ҳаво орқали ташиш билан боғлиқ ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш; аудиовизуал асарлар тайёрлаш, тақдорлаш ва экранда кўрсатиш; аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун дастурларни реализация қилиш, ижарага бериш; тамаки ҳомашёсини ферментациялаш. Бунда фаолиятнинг тўртта лицензияланадиган тури – телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш битта турга биришланишмоқда.

Қонунда устав жамғармасида давлат улуши бўлган қорхоналар учун айрим талаблар, жумладан, товар божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишланган бўлса, товарни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асослари ваколатли орган билан келишиш зарурлиги, товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига зарар етказмаслиги ҳақида ваколатли органнинг ҳулосаси кераклиги, товар божхона ҳудудидан қайта ишланган бўлса, товарни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асослари ваколатли орган билан келишиш зарурлиги тўғрисидаги талаблар бекор қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ қонун билан божхона брокери сифатида фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома хусусиятига эга ҳужжатнинг, шунингдек, божхонада расмийлаштирувчи мутахассисда маълум аттестат бўлиши кераклиги тўғрисидаги талабнинг бекор қилиниши назарда туғувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 12 сентябрдаги "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ, банкларга микроқарзлар бериш ҳуқуқини берувчи ўзгаришлар киритилмоқда. Бунда микроқолиевий хизматлар кўрсатиш шартномалари бўйича йиллик қарз миқдорининг ярмидан кўпини

ташқил этадиган суммада фоизлар ҳисоблаш, воситачилик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш тақиқланмоқда.

Сенаторлар қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ва умуман иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Фуқаролик, Уй-жой ва Солиқ кодексларига ҳамда "Нотариат тўғрисида"ги ва "Адвокатура тўғрисида"ги Фармонига асосан киритилаётган ўзгаришларда адвокатлик фаолиятига тўсқинлик

қилганлик учун жавобгарлик белгилаш, юридик хизмат ҳодими сифатида, судья, терговчи, прокурор лавозимида камидан 3 йил иш стажига эга айрим тоифадаги шахсларга адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонида иштирок этиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Қонунда адвокатлик бюросини таъсис этган адвокатлар ва мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзига тегишли бўлган турар жойларда ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилмоқда. Бунда адвокат мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш мақсадида нотураж жойлар тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди. Адвокат патент вакили ва медиатор сифатида, шартнома асосида давлат органларининг, ҳўхалик бошқаруви органларининг, давлат қорхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ҳодими сифатида, шунингдек, ҳақамалик судларида ва халқаро тижорат арбитражларида (судларида) судья сифатида фаолият олиб бориш ҳуқуқи берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 майдаги "Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларда қўмас мулкни ижарага бериш ва текин фойдаланиш шартномаларини нотариал тасдиқлаш билан бекор қилиш, нотариал тасдиқлашни лозим бўлган ҳатти-ҳаракатлар бўйичаги мақбуллаштириш, юридик шахс коллегиал органининг илтимоси билан унинг коллегиал органлари томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини нотариал тасдиқлаш, нотариус лавозимига номзодларнинг стажировка ўташ муддатини 2 йилдан 1 йилга қисқартириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, нотариус лавозимига номзодлар учун судьялик лавозимига камидан беш йил ишлаган ёхуд нотариал фаолиятга раҳбарлик ва назорат қилувчи лавозимларда камидан уч йил ишлаган шахсларга мажбурий стажировка ўташ талаблари бекор қилинмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар "Аҳолининг ижтимоий ҳиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонунда "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига ўзгаришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги "Меҳнат фаолиятини олиб бораётган пенсияерларнинг алоҳида тоифаларига қулай шартоитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар билан жорий этилаётган тартибга қўра, пенсионер Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг ортиқча тўланган пенсия суммасини ушлаб қолтиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик у аниқланган санадан бошлаб қўпи билан уч йил учун суд орқали ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги "Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга қўра, давлат ва хусусий уй-жой фондларида ичимлик сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) хизматлари 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида кўрсатилади. Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, бу жойларни ижарага олувчиларга сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) хизматлари учун олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш амалга оширилмаган тақдирда, сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) тизимларидан тўлиқ узиб қўйилганча бўлган чоралар кўрилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги "Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга қўра, давлат ва хусусий уй-жой фондларида ичимлик сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) хизматлари 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида кўрсатилади. Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, бу жойларни ижарага олувчиларга сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) хизматлари учун олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш амалга оширилмаган тақдирда, сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) тизимларидан тўлиқ узиб қўйилганча бўлган чоралар кўрилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги "Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга қўра, давлат ва хусусий уй-жой фондларида ичимлик сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) хизматлари 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида кўрсатилади. Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, бу жойларни ижарага олувчиларга сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) хизматлари учун олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш амалга оширилмаган тақдирда, сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) тизимларидан тўлиқ узиб қўйилганча бўлган чоралар кўрилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги "Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга қўра, давлат ва хусусий уй-жой фондларида ичимлик сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) хизматлари 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида кўрсатилади. Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, бу жойларни ижарага олувчиларга сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) хизматлари учун олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш амалга оширилмаган тақдирда, сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) тизимларидан тўлиқ узиб қўйилганча бўлган чоралар кўрилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги "Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга қўра, давлат ва хусусий уй-жой фондларида ичимлик сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) хизматлари 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида кўрсатилади. Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, бу жойларни ижарага олувчиларга сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) хизматлари учун олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш амалга оширилмаган тақдирда, сув таъминоти ва суви чиқариш юбориш (канализация) тизимларидан тўлиқ узиб қўйилганча бўлган чоралар кўрилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама этилди.

Қонун жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги жиноий, жиноий-процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштиришга қаратилгани қайд этилди.

Жумладан, қонунда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Шунингдек, қонунда ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида бўлган шахсга шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асосиз равишда рад этганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, ноқонуний аралашганлик ҳамда ҳўхалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилувчи бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Муҳокама чоғида қонун қабул қилиниши жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлашга қўмаклашиши қайд этилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик суви-дан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Сенаторлар қайд этганидек, қонун амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини янада тақомиллаштиришга, мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтиришга ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган.

Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузганлик, сув ҳўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастланганлик, улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузганлик, шунингдек, санаот чиқиндиларини, майиш чиқиндиларини ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, зарарсизлантириш, саклаш, реализация қилиш чоғида табиати муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун чоралар кучайтирилишини назарда тутадиган қўшимчалар киритилмоқда.

"Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳисобга олиш ва назорат қилиш, чиқиндиларни қўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрини юритиш, чиқиндиларни трансчегаравий ташиш каби фаолият турлари ҳисобига "чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш" тушунчаси мазмунини кенгайтирилмоқда. Шунингдек, санаот чиқиндиларини ва майиш чиқиндиларини махсус техник мосламаларсиз зарарсизлантириш тақиқланмоқда.

Таъкидланганидек, қонуннинг қабул қилиниши профилактика чора-тадбирларини кучайтиришга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахслар ва фуқаролар жавобгарлигини оширишга, шунингдек, махсус ваколатли давлат органларининг тезкор ва самарали фаолиятини ташкил этишга қўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузайдиган ҳатти-ҳаракатлар ва қорорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
ТАБИАТ МУЗЕЙИДА
КЎРГАЗМА

Хар қандай давлатнинг эртанги кунни, тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятида обрў эътиборга эга бўлиши, мухтасар қилиб айтганда, мамлакатнинг келажаги ёшларнинг таълим-тарбия олишига, фойдали меҳнат билан машғул бўлишига, уларнинг жамиятда муносиб ўрнини топишига боғлиқ. Бунинг учун эса аввало таълим ва тарбиянинг тамал тоши мустаҳкам бўлиши зарур. Шунинг учун биз дунёқараши кенг, кўнгли пок, эл-юрт ишига қайишадиган инсонларни тарбиялашимиз зарур ва фақат шундай инсонларгина эзгуликка қодир ва фидойиликка тайёр бўлади.

Президентимиз томонидан мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатида айнан мана шу жиҳатлар эътиборга олинмоқда. Гўзал табиатнинг бир бўлаги бўлган хайвонот олами турли-туман ва қизиқарлидир. Хайвонлар Ер юзининг ҳамма жойида учрайди. Хар бир хайвоннинг яшаш тарзи ўзига хос. Дунёда хилма-хил хашаротлар, қушлар, баллиқлар, судралиб юрувчилар ва сут эмизувчилар яшайди. Болаларни табиатдаги хайвонот дунёсига нисбатан бефарқ бўлмасликка ўргатиш ҳамда табиатдаги барча жонотларни асраш кераклиги ҳақида тушулча бериш мақсадида турли тадбирлар, танловлар ўтказиш яхши самара беради.

Иқтидорли ижодкор ёшларни аниқлаш ва уларнинг ижод намуналарини намойиш қилиш мақсадида Ўзбекистон Давлат табиат музейида 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар иштирокида "Хайвонот оламига саёҳат" мавзусида расмлар танлови ташкил этилди. Ўшбу танлов болаларнинг табиатдаги хайвонларни, қушларни ва хашаротларни ҳимоя қилишга ҳамда инсон ва табиат бир-бири билан ҳамбарас боғлиқлигини чуқур англашларига, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш ҳояларини тарғиб этиш учун хизмат қилади.

Кўргазмага ташриф буюрганларга тадбирнинг атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, хайвонот оламини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш, уларнинг қалбида табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотиш ҳамда тасаввурини бойитиш мақсадида ташкил қилинганлиги таъкидланди.

Танловлар диди ўткир, тасаввур тиник, тафаккур доираси кенг ёшларнинг ижод намуналарини кенг оммага тақдим қилишга йўналишларида. Бундай танловлар ва фарзандларимизнинг ижод намуналарига бўлган эътибор, ёш ижодкорларнинг ишларига янада масъулият билан ёндашишга, кўпроқ изланиб, соҳаларига оид билимларини чуқур эгаллаб, келажақда барчага манзур бўладиган асарлар яратишларига ишонади. Танлов болаларнинг табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлишларида, бўш вақтларини тўғри ташкил қилиб, уни унумли ва сермизм ўтказишлари ҳамда хар томонлама баркамол шахс сифатида тарбияланишларида муҳим аҳамият касб этади.

4 октябрь кунини Ўзбекистон Давлат табиат музейида "Хайвонот оламига саёҳат" мавзусидаги расмлар танловида иштирок этган болаларнинг расмлари асосида кўргазма ташкил қилинади. Бу кўрик бўлажак буюк рассомларнинг илк иштирок этган кўргазмаси бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Фаол иштирок этган болалар диплом ва faxрий ёрликлар билан мукофотландилар.

Ўтказилаётган танловлар ва кўргазмалар ўз ижобий натижасини беради деган умиддамиз.

Дилфуза ТОШПҲАТОВА

МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТИДА ДОПИНГГА
ҚАРШИ КУРАШ ЯНАДА КУЧАЙТИРАДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги томонидан спортда допингга қарши курашни янада кучайтириш, мураббийлар ва спортчиларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини оширишга бағишланган семинар ўтказилди.

Спорт федерациялари вакиллари, мураббийлар, шифокорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Миллий антидопинг агентлиги томонидан соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳусусида атрофича маълумот берилди.

Бугунги кунда инсон соғлиги учун допинг қабул қилишнинг салбий оқибатлари ҳусусида жамоатчиликни хабардор этиш бўйича тизимли ишларни амалга оширишмоқ-

дамыз, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги бош директори Нодиржон Турсунов. — Шу мақсадда барча спорт федерациялари билан ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланаяпти. Мамлакатимизда Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш, халқаро ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида кенг қўламли иш-

лар амалга оширилмоқда. Семинарда спорт мутахассислари билан келгусида соҳада амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни келишиб олдик.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан антидопинг дастурлари билан ишлаш, бу масалага хар бир спорт федерациясидан масъул ходимларни жалб қилиш бўйича зарур вазифалар белгиланди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
Уза мухбири

ҲУЖЖАТЛАРДА КЎРСАТИЛМАГАН 730
МИЛЛИОН СЎМЛИК ТОВАР АНИҚЛАНДИ

Юртимизда ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, соғлом рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аммо, айрим ҳўжалик субъектлари томонидан берилмаётган имкониятлар ва яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш ўрнига, мўмай даромад ортириш мақсадида амалдаги қонунларни четлаб ўтишга уринишлар кўзга ташланмоқда.

Товарларни божхона назоратидан яшириб олиб ўтиш ёки уларга тегишли ҳўжатларда маълумотларни нотўғри кўрсатишга уриниш энг аввало, ички бозордаги соғлом рақобат муҳитига путур етказиш каби ҳўлатлар учраб турбиди.

Яқинда Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Ўқурсой техник идора" чегара божхона пости ходимлари Фаргона вилоятидаги масъулият чекланган жамиятлардан бирининг номига Хитойдан келтирилган юклар ортилган контейнерни божхона кўригидан ўтказиш давомида

навбатдаги божхона қоидабузарлигини фош қилишди.

Юк-кузатув ҳўжатларига кўра, контейнерда 34 тонна оғирликдаги велосипед покришқалари ортилган бўлиши лозим эди. Аммо, божхона кўриги давомида контейнерда ҳўжатлардагидан ортиқча 25 минг 440 дона велосипед покришқалари ва ҳўжатларда умуман кўрсатилмаган 4 турдаги салкам 28 минг 680 дона узунлик ўлчаш асбоблари, салкам 20 минг дона электроизоляция ленталар борлиги аниқланди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра фуқаро Х.Е.га тегишли мазкур товар-моддий бойликларнинг тахминий қиймати 730 млн. сўмдан ортар экан.

Ҳозирда мазкур ҳўлатлар юзасидан божхона текширувлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси
Ахборот хизмати

Реклама ўрнида

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА
КЎМАКЛАШУВЧИ ТОШКЕНТ
ШАҲАР "ВАТАНПАРВАР"
ТАШКИЛОТИ ЖАМОАСИ

мухтарам устоз ва мураббийларни, уларнинг тимсолида устоз деган шарафли номни ўлузлаб келаётган юртимиздаги барча инсонларни — Уқитувчи ва мураббийлар кўни умумхалқ байрами билан самимий муборақбод этади. Азиз устозларнинг сермашаққат ва заҳматли меҳнатларида сабру қаноат, кучли ирода тилаган ҳолда "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфдаги қўйидаги ташкилотларга ҳайдовчилик курсларига ўқишга таклиф этади:

Мурожаат учун телефонлар:

Т/р	Ташкилот номи	Телефон:
1.	Бектемир ўқув спорт-техника клуби	(71) 295-12-62
2.	Миробод ўқув спорт-техника клуби	(71) 291-14-02
3.	М.Улугбек ўқув спорт-техника клуби	(71) 261-26-33
4.	Олмасор ўқув спорт-техника клуби	(71) 229-29-47
5.	Сергели ўқув спорт-техника клуби	(78) 150-22-04
6.	Учтепа ўқув спорт-техника клуби	(71) 275-65-13
7.	Чилонзор ўқув спорт-техника клуби	(71) 277-06-19
8.	Шайхонтоҳур ўқув спорт-техника клуби	(71) 249-00-27
9.	Юнусобод ўқув спорт-техника клуби	(95) 177-84-02
10.	Яккасарой ўқув спорт-техника клуби	(71) 250-56-35
11.	Яшнобод ўқув спорт-техника клуби	(71) 291-29-62

"Ватанпарвар" ташкилотининг автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидан топилган маблағлари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тахсиллий-оқмавий, маънавий-маърифий ишлар, шунингдек, мамлакатимизда спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш каби эзгу вазифалар учун йўналишларида.



Хизматлар лизенцияланган

Мутахассис маслаҳати

ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИНИ
КЎРИНГ

Мамлакатимизда боғлардаги меваларга зарар етказадиган кўплаб зараркунандалар мавжуд, аммо улар ичида Ўзбекистон учун карантин ҳисобланган, асл ватани Хитой ва Корея бўлган Шарқ мевахўридан сақланиш кўпчилик юрдошларимиз олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шарқ мевахўри дастлаб Японияда кейин эса Америкада жуда кучли зараркунанда сифатида аниқланган.

Шундан кейин эса Австралия, Бразилия ва Ўрта Ер денгизи атрофларида тарқалиб улгурган. 1980-йилга келиб Республикаимиз ҳудудида ҳам Шарқ мевахўри аниқланган ва ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Самарқанд, Фаргона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, жами Республикаимизнинг 38 туманида тарқалган. Асосан олма, ноқ, олхўри, олча каби данакли мева ўсимликлари ва меваларига бу зараркунанданинг қурти зарар етказиши.

Шарқ мевахўрининг личинкалари ипак пилла ичида дарахларнинг таназида, пўстлоқлари орасида тупроқдан 5-50 см. баландликда қишлайди. Баъзи чиргана меваларнинг ичида ҳам қишлайди ва тарқалиши учун восита ҳисобланади. Баҳорда айнан мевалар гуллаган пайтида личинкалар гўмбака айланади ва ҳарорат 15С га етганида гўмбакалардан капалаклар учиб чиқа бошлайди. Бир неча кун ичида урғочи капалаклар тухум қўяди. 1 та урғочи капалак 100 тагача тухум қўйиши

мумкин. Бир ҳафта ўн кун ичида тухумлардан қуртлар чиқиб, ўсимликка кейин эса меваларга зарар етказиши бошлайди.

Шарқ мевахўрига қарши кураш чоралари сифатида агротехник ва кимёвий усулларни қўллаш мумкин. Бунда меваларнинг қуриган шохлари ва новдаларини кесиб олиб ёкиш ёки қўмиб ташлаш йўли билан йўқ қилинади. Пўстлоқлари тозаланиб, дарахт қолдиқлари ва тўкилган барглари ёкиб борилади. Кимёвий усуллар билан дарахт қўчатлари, уруғлари ва ўсиб турган дарахтларга 3-4 марта ишлов берилади.

Ўзбекистон Республикасига кириб келиш хавфи мавжуд, республикаимиз қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига хавфли зарар етказиши мумкин бўлган барча турдаги зараркунанда хашаротлар, бегона ўтлар ва касалликлардан ҳимояланишда карантин нозирлари томонидан ўтказиладиган карантин назорати кўриги муҳим аҳамиятга эгадир.

Омонбой ОЛЛОҚУЛИЕВ,
Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини Ҳудудий инспекцияси "Тошкент АЭРО" УҚМ инспектори

Сайёр суд

ВАЛЮТАФУРУШЛАР
ЖАЗОСИНИ ОЛДИ...

Яккасарой тумани "Муҳандислар" маҳалла фуқаролар йиғинида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг очик сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди.

Унда валюта олди-сотдиси билан боғлиқ жиноят иши қўриб чиқилди. Баҳром Валиев ва Маҳмуд Фарҳодов (исм-шарифлар ўзгартирилган) тайинли бирор ишнинг бошини тутмаган бўлсалар-да, Тошкент отчопарида валюта олди-сотдиси билан шуғулланиб келишган. Уларнинг қўлга тушиши 2018 йил 13 апрель кўнига тўғри келди.

Соат 11:00 ларда Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган "Чилонзор буюм бозори" АЖ автотураргоҳида фуқаро Э.Тоҳирова билан учрашиб, унга нақд пул маблағлари зарурлигидан хабардор бўлиб, 1 АҚШ долларини "қора бозор" нархида 8.130 сўмдан сотиб беришнинг маълум қилган ва ўзаро келишувга эришган Сўнг Баҳром Валиев жиноий шериги М.Фарҳодовга йирик миқдордаги чет эл валютасини айирбашламоқчи бўлган харидор борилигини, унга 9.200 АҚШ долларини "қора бозор" нархида 1 АҚШ долларини 8.130 сўм ҳисобида жами 74 млн. 796 минг сўмга сотиб, айирбашлаб бериш лозимлигини айтиб, унда мавжуд бўлган 9.200 АҚШ доллари пуллари ушбу мақсадларда ишлатиш ва ўзаро мўмай даромад ортириш ҳақида жиноий режа тузишган.

Жиноий режани амалга ошириш мақсадида Б.Валиев Э.Тоҳирова билан учрашиб, ҳақиқатан ҳам у пул маблағлари билан келганда ишонч ҳосил қилганидан сўнг М.Фарҳодов ўзида мавжуд бўлган 9.200 АҚШ доллари, (Марказий банк томонидан белгиланган расмий курс бўйича 74.473.908 сўм) 1 АҚШ долларини 8.130 сўмдан сотиб, Э.Тоҳирова ўзи билан олиб келган жами 74.796.000 сўм пуллари полиетилен пакетда олиб кетаётганларида Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Яккасарой тумани бўлими ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинган.

Баҳром Валиев суд мажлисида ўзининг айбига иқролик билдириб, расмий равишда бирон жойда ишламаслигини, лекин икки-уч йилдан буён Чилонзор туманидаги "Чилонзор буюм бозори"да бижутерия маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорларга ёрдам бериб келишини билдирди. М.Фарҳодов ҳам худди шундай, бирон жойда тайинли иш қилмай тадбиркорларга бижутерия маҳсулотлари сотишда ёрдам қилиб келган.

Э.Тоҳирова суд мажлисида 13 апрель кўни "Чилонзор буюм бозори"га ўз иши билан борганида бозор ҳудудида бир неча шахслар ноқонуний чет эл валюталарини олиш ва сотиш билан шуғулланаётганликларини кўрганлигини, улардан бирининг исми "Баҳром" эканлигини, унинг қўнунга зид равишда чет эл валютаси савдоси билан шуғулланаётганлигига чек қўйиш мақсадида шу кўни Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Яккасарой туман бўлимига ариза билан мурожаат қилганлигини айтди.

Суд судланувчиларнинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан бир гуруҳ шахслар иштирокида олдичдан тил бириктириб, кўп миқдордаги валюта қимматликлари қўнунга хилоф равишда ўтказишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми "б", "в" бандлари билан тўғри малакаланган деб топди.

Суд Б.Валиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми "б", "в" бандлари билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баравари, яъни 3.444.800 (уч миллион тўрт юз қирқ тўрт минг саккиз юз) сўм миқдорда жарима жазоси тайинлади.

Унинг шериги М.Фарҳодовга ҳам ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми "б", "в" бандлари билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баравари, яъни 3.444.800 (уч миллион тўрт юз қирқ тўрт минг саккиз юз) сўм миқдорда жарима жазоси тайинланди.

Лазиз НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
Яккасарой тумани прокуратураси катта терговчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлар маркази томонидан 20.09.2018 йилда № 637782 ре-естр рақам билан рўйхатдан ўтган "TURDINIYAZ OTA" ЖК (СТИР 305763614) таъсисининг 27.08.2018 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида, Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, "Олой" бозори марказий кириш қўсми манзилида қабул қилинади. +99894 689-80-88.

"Учтепа тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Учтепа тумани, Мархабо кўчаси, 50-ўй учун Икрамова Мухайё Учқуновнага берилган кадастр ҳўжатлари ва 17.09.2001 йил №1033а сонли қарори, 15.08.2001 йил №938-сонли қарорларининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси қуйидаги бўш иш ўринларига фуқароларни ишга таклиф қилади.

- 1.Фаррош — 20 та бўш ўринга — ойлик маоши — 650-700 минг сўм.
 - 2.Кўкаламзорлаштириш ишчиси — 30 та бўш иш ўринга, ойлик маоши — 700-750 минг сўм.
 - 3.Сув тармоқлари ишчиси — 5 та бўш иш ўринга, ойлик маоши — 750-850 минг сўм.
- Манзил: А.Темур шоҳ кўчаси, 117 а-уй.
Мўлжал: Шахристон метро бекати, "Муза" маркази.
Тел: (71) 212-45-59.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

рат кечаси — 12-14, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мо-нитори-нг хизмати ма-ълумоти-га кўра, 29 сен-тябрь Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддалар-ни-ге бир оз тарқалиб кетиши-га им-коният ярати-ди, шўло-сла-ни-ни даражаси наст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 935

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4631 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.30